*СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди*

# ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

Нотиқ президентлик жорий этилишининг шартлари орасида суверен давлатларнинг янги иттифоқ шартномаси тузилиши, ижроия ҳокимиятга аниқ-равшан юзма-юз бўла оладиган ваколатли Олий Совет тузилиши, Президентни теппа-тенг бевосита умумий овоз бериш йўли билан сайлаш, кўп партияли сайлов ўтказиш, яъни аниқ-равшан уюшган оппозицияни вужудга келтириш, матбуот эркинлигини таъминлаш каби шартлар борлигини айтди.

Президентлик тўғрисидаги масала ҳозирги раҳбарият сиёсати мағлубиятга учраётган танг даврда ҳал этилмоқда, деб сўзида давом этди депутат. Тақдим этилаётган усул куч ишлатишга, фавқулодда ҳолатга таяниш демакдир. «Доҳий ва давлатимиз асосчиси» оммавий зўравонлик ва террорни, қонунсизликни давлат сиёсати даражасига кўтариш принципини бизга мерос қилиб қолдирган. Ҳозир бизга худди шу нарсани анъанага кўра давом эттириш таклиф этилмоқда.

Депутат **Н. И. Дементейнинг** фикрига қараганда, муҳокама қилинаётган СССР Президенти лавозимини тасдиқлаш тўғрисидаги Қонун лойиҳасига мамлакатимизда ҳокимиятда пайдо бўлган ўзига хос бўшлиқни тугатишнинг кафолати сифатида қараш мумкин. Зотан, бугунги кунда ана шу бўшлиқни анархия, қонунсизлик ва ўзбошимчалик тарафдорлари тўлдирмоқдалар. Нотиқ мамлакатда Президент муассасасини жорий этиш ғоясини қувватлади, айни вақтда лойиҳанинг айрим моддалари юзасидан ўз мулоҳазаларини айтди.

Нутқда у ёки бу регионда мураккаб, ёхуд, ҳатто фавқулодда ҳолат юзага келган тақдирда кечиктирмасдан қатъий чоралар кўрилиши лозимлиги таъкидланди, лекин бундай чораларни ҳозирча қонун чиқарувчилар ҳам, ижроия ҳокимият ҳам амалга оширмаяпти. Депутат СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги Қонунни қабул қилиш ва СССР Конституциясига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни таклиф этди.

Депутат **А. С. Елисеев** президентлик ҳокимиятини имкони борича тезроқ таъсис этиш кераклигини айтди. Икки далил: ижрочилик ҳокимиятини кучайтириш зарурлиги ва мамлакат раҳбарининг халқ олдидаги шахсий масъулиятини ошириш мана шу қарор кераклигидан далолат беради, деди у. Шу билан бирга нотиқ президент идора усули тўғрисидаги масала юзасидан қарор қабул этилгунга қадар СССР Конституциясининг 6 ва 7-моддалари муаммосини ҳал этишни таклиф қилди, унинг фикрича, бу моддаларнинг ҳозирги тарзда сақланиб қолиши замирида раҳбарликнинг якка ҳокимлик усулларига қайтиши доимий хавфи бор.

Партия органлари давлат вазифаларини ҳал этишга аралашмаслиги шароитида кўз олдимизда ҳокимият эгасиз бўлиб қолаяпти, биз мана шу бўшлиқни дарҳол тўлдиришимиз керак, масалани пайсалга солиб бўлмайди, деб таъкидлади нотиқ. Биз ҳозирнинг ўзидаёқ давлат идора структурасининг ўзи билан аввалги режим қайта тикланиши эҳтимолини истисно этишимиз керак.

Нотиқ президент лавозими таъсис этилиши муносабати билан СССР Конституциясига киритиладиган ўзгартишлар лойиҳаси хусусида бир қанча мулоҳазалар айтди.

Қайта қуришнинг яхши ишлари мустаҳкам давлат структураларига ва самарали ҳокимият тартиб-қоидасига таянмас экан, муваффақият қозона олмайди. Депутат **В. И. Воротников** шу фикрни ривожлантириб, демократиянинг ривожини давлат ўзагини мустаҳкамлаш, интизомни кучайтириш, сиёсий онг даражасини ошириш билан бевосита алоқадор эканини мантиқий равишда асослаб берди. Ҳозир эса, чамаси, тескари жараёнлар содир бўлмоқда: жамиятда, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда салбий тенденциялар кучайиб боряпти, деб уқтирди нотиқ. Шу боисдан ҳам марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, унга сиёсий турмуш шакллари тобора хилма-хил бўлиб бораётган шароитда ижтимоий ўзгариш жараёнларини ўз вақтида ва аниқ йўлга солиб, назорат қилиб туриш имконини берадиган ҳуқуқларни бериб қўйиш жуда зарурдир.

Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Коммунистик партия кўтариб чиққан ташаббусга эътиборни қаратди. Коммунистик партия энди давлат фаолиятида ўз иштироки шаклларини қайтадан кўриб чиқмоқда.

Ю. Н. Афанасьев нутқидаги оппозиция зарурлиги тўғрисида айтилган фикрга тўхталиб, депутат мана шундай оппозиция ҳозирнинг ўзидаёқ мавжудлигини айтиб ўтди. Гап фақат унинг тегишли қонуний шаклларга кириши ҳақида бораяпти. Сирасини айтганда, Коммунистик партиядан чиқиб, ўз ташкилотларини тузишга ҳеч ким халақит бераётгани йўқ-ку. СССР Конституциясининг 6 ва 7-моддалари хусусидаги таклифлар, аслида, ҳозир мана шуни назарда тутади. Айтилган ҳақоратомуз хуружлар эса нотиқнинг виждонига ҳавола, деб хулоса қилди депутат.

РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси мамлакатимизда битта марказий ҳокимият ва шунга мувофиқ равишда, битта президентлик лавозими бўлсин, деган фикрни айтди.

Шундан кейин съездда Таҳрир комиссияси тузилди.

Жамиятнинг бир қисми, деди депутат **Г. Г. Гумбаридзе,** президентлик ҳокимиятини жамиятни бошқаришнинг шахсий моделига қайтиш деб билмоқда. Аниқ бир шахс ҳақида гап борганида номзодни биз унга бермоқчи бўлган ҳуқуқлар билан таққослаш мумкин. Республика жамоатчилиги мамлакатда М. С. Горбачев раҳбарлигида ўтказилаётган демократик ўзгартишларни якдиллик билан қўллаб-қувватламоқда. Шу билан бирга президентлик бошқарувининг жорий этилишини аниқ бир шахс билан боғлаб бўлмайди.

Депутатнинг фикрича, Қонун лойиҳасида СССР — суверен давлатлар иттифоқи эканлиги дуруст эътиборга олинмаган, миллатлараро муносабатларнинг бутун мураккаблиги ҳисобга киритилмаган. Жамиятнинг унитар давлатга қайтишига йўл қўймаслик истаги табиий. Бунинг учун президентлик фаолияти устидан парламент томонидангина эмас, балки, эҳтимол, аввало айниқса иттифоқ шартномасига риоя этиш борасида федерация кенгаши томонидан коллегиал назоратнинг самарали дастурини вужудга келтириш керак.

Қайта қуриш ва демократиялаш, деди Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси, иттифоқдош республикаларнинг ҳақиқий давлатчиликка эга бўлиши учун янги истиқболлар очди. Бироқ айни шу нуқтаи назардан Қонун лойиҳаси муайян шубҳа-гумонларни келтириб чиқармоқда. Бу эса жиддий танқидий мулоҳазаларга сабаб бўлди, Грузия ССР Олий Советининг навбатдан ташқари сессиясида шу мулоҳазалар тасдиқланди. Депутатнинг фикрича, ҳар бир иттифоқдош республика кенг ваколатларга эга бўлган ўз президентини сайлаш ҳуқуқини олиши керак. Бироқ афсуски, қонун лойиҳасида бу нарса кўзда тутилмаган.

СССР Президенти лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарорни мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар мантиқи тақозо этмоқда, деб таъкидлади депутат **В. И. Мироненко.** Биз янги Конституцияни ишлаб чиқиш ва қабул этишни орқага суриб, ҳозирнинг ўзидаёқ хатоларга йўл қўйдик. Янги иттифоқ шартномасининг тузилиши ҳам кечикмоқда. Энди эса ҳал қилувчи пайтда тўхтаб қолиш ярамайди.

Съездда ўзидан аввал айтилган далил-исботларга нотиқ президент идора усулини ёқловчи яна бир қанча мулоҳазаларни қўшди. Жумладан, деди у, президентлик ҳокимияти ғоясини ҳимоя қилганда ижрочилик ҳокимиятини кучайтиришга зўр бермаслик керак. Унинг фикрича, президентлик идора усулини жорий қилишнинг мақсадга мувофиқлиги умумий истиқбол мулоҳазалари важидан ҳам, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва жадаллаштириш важидан ҳам ўринлидир.

Нотиқ Президентнинг умумхалқ томонидан сайланиши астойдил тарафдори эканлигини айтгач, ҳозир таклиф қилинаётган истисно — биринчи гал Президентни айни Съездда сайлаш тўғрисидаги таклиф бу қоиданинг жиддий ва муҳим акси бўлмайдими, деган масала устида ўйлаб кўришни таклиф қилди. Бу ҳолда, деди у, халқ депутатлари Съезди мазкур қарорни қабул этишга ҳам, шунингдек Қонунда писанда қилинган ҳолларда шу қарорни бекор қилишга ҳам ҳақли бўлганлиги сабабли президентлик ҳокимиятининг роли бошқа муассасаларга зарар етказган тарзда ҳаддан ташқари ошиб кетмаслигининг кафолати бўла олади.

Жаҳондаги энг инсонпарвар мукофот машҳур олим Нобель номи билан аталади. Депутат **И. В. Дорохов** шу олимнинг «Ҳар қандай демократия разиллар диктатураси билан тугайди» деган сўзларини тилга олар экан, бу сўзлар мамлакатимиз учун башорат бўлмаслигига умид билдирди. Ҳозир, деб таъкидлади у, қайта қуриш жараёнларига догматик кучларгина эмас, экстремист кучлар ҳам қарши турибдилар. Улар жамоатчилик норозилигидан фойдаланиб, аввало норасмий раҳбарликни, шундан кейин эса расмий раҳбарликни ҳам қўлга киритишга интилмоқдалар. Экстремизм гоҳо сўл, гоҳо ўнг ибора билан оломонни эргаштиришга ҳаракат қилиб, ялтироқ шуҳратпарастлик либосида майдонга чиқмоқда. Экстремистлар жамиятимизни бўлиб ташлашга уринмоқдалар. Биринчи ва иккинчи сайлов кампаниялари чоғида ана шундай кайфиятлар намоён бўлди.

Ким тартиб ўрнатиши мумкин? Нотиқ шу саволга жавоб берар экан, президентлик ҳокимиятини жорий этиш зарурлигига батафсил тўхталди. Президент лавозимини таъсис этишда биз шошма-шошарлик қилаётганимиз йўқ, балки орқада қолмоқдамиз, деб уқтирди у. Депутат лойиҳанинг асосий қоидаларини тўлдиришни таклиф этар экан, ҳадеб мажлис қилавермайлик, ишлаш керак, деб даъват этди.

Депутат **Н. П. Шмелев** мамлакатда президентлик ҳокимияти ўрнатилишини қатъият билан қўллаб-қувватлади. Мураккаб, кўп миллатли мамлакатда, деди у, бутун халқ сайлаган олий ҳакам керак. Биз иқтисодиётда, яъни энг қалтис соҳада қатъият, сиёсий ирода ва ҳокимият йўқлигини тобора кўпроқ ҳис этмоқдамиз, ҳолбуки, худди шу иқтисодиётда янги даврда йўл қўйилган хатолар таъсирида емирилиш жараёни бораяпти. Аччиқ ҳақиқатни айтиб қўяқолайлик: биз иқтисодиётда ақли норасолар хонадонини бунёд этдик ва шу хонадон қонунларига кўра яшаб келмоқдамиз. Соғлом ақл-идрок, нормал иқтисодий қонунларга қайтмас эканмиз, тангликдан чиқа олмаймиз.

Олим илгариги Съездда қабул қилинган ҳукумат программасини танқид қилиб, мазкур программани қатъиятсиз ва чала-ярим программа деб атади. Ўзига мушкуллик билан йўл очиб бораётган иқтисодий турмушнинг янги шаклларига кенг майдон очиб бериш керак. Озиқ-овқат развёрсткасидан озиқ-овқат солиғига ўтиш, ҳолдан тойган хўжаликларни сунъий тарзда қўллаб-қувватлашга барҳам бериш, қишлоқни крепостнойликнинг барча асоратларидан озод қилиш учун Президентнинг жасорати ва обрўси зарур. Депутат кооперация, мулкка нисбатан ҳукумат тутаётган йўлни беқарор йўл деб ҳисоблаб, бунга қўшилмаганлигини айтди. Гарчи олқишланмаётган бўлса ҳам, аммо зарур бўлган тадбирларсиз, нарх ва молиянинг ислоҳотисиз бизнинг қўлимиз калта бўлиб қолади, деди пировардида нотиқ. Президентлик дадил ёндашувни намоён этади, деб умид қиламан.

Депутат **М. И. Иброҳимов** съездда сўзга чиқиб, СССРда президентлик лавозимини таъсис этишни ва шу масала хусусидаги Қонун лойиҳасининг асосий моддаларини маъқуллаган нотиқларни қўллаб-қувватлади. Мамлакат қайта қуриш йўлидан ўз ҳаракатида муҳим маррага яқинлашиб келди, деди у. Партия ҳокимиятни Советларга бериши реалликка айланмоқда, кенг омма сиёсат майдонига тобора кўпроқ жалб этилаяпти. Лекин бошқа ҳоллар ҳам кўриниб қолди. Бузғунчи кучларнинг мамлакат ҳаёти нормал маромига рахна солиш, одамларда ишончсизлик ва қўрқув туйғусини қўзғатишга қаратилган уринишлари тез-тез бўлиб турибди.

Мамлакат Президенти лавозимининг таъсис этилиши, — деб таъкидлади нотиқ, ҳокимият обрўсини жумладан ижроия ҳокимият обрўсини ошириш йўлидаги муҳим тадбирдир. Ушбу тадбир қайта қуриш жараёнларини жадаллаштиради, иқтисодиётни ривожлантириш, демократиялаш ва жамиятни инсонпарварлаштиришда катта одим бўлади. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг ажралиши ҳам қўшимча омилга эга бўлади.

Депутатнинг фикрича, тақдим этилган Қонун лойиҳасининг айрим қоидаларига аниқлик киритилиши керак. Федерация кенгаши ва Президент кенгаши фаолиятининг ваколати, тартиби ва шаклларини белгилашга синчковлик билан ёндашиш зарур.

Депутат **С. Я. Батишевнинг** фикрича, президентлик мамлакатда давлат бошқаруви нуфузини шак-шубҳасиз кўтаради. Олий Совет Раиси ҳозир амалда реал ҳокимиятга эга эмас.

Нотиқ ҳозир таркиб топган ҳокимият структураси ҳақида гапирар экан, унинг ўз вазифасига ноқобиллиги ва зиддиятлилигини уқтириб ўтди. Масалан, Олий Совет ҳам, халқ депутатлари съезди ҳам Қонун чиқариш фаолияти билан шуғулланмоқда. Айни вақтда бугун таклиф этилаётган президентлик бошқаруви ҳам таркиб топган структурани дурустроқ соддалаштирмайди, деб ҳисобламоқда нотиқ. Аксинча, қўшимча тарзда Президент лавозими, федерация кенгаши, президентлик кенгашини тасдиқлаш мўлжалланмоқда. Структураларни тузишга тузиб қўйиб, кейинчалик улардан осонлик билан воз кечишга нега энди бунчалик ихлос қўйган эканмиз? — деб савол берди нотиқ. Олимнинг фикрича, тоталитаризм асоратларидан ишончли кафолатлар бўлиши учун президентлик ҳокимияти дастурига аниқлик киритилиши керак.

Президент бошқарувини жорий этиш — мамлакатдаги танг аҳвол сабабли кўрилган фавқулодда чорадир деган мулоҳазаларда ҳақиқат бор, деди депутат **В. А. Медведев.** Бу тадбир салбий жараёнлар авж олиб кетишининг олдини олишга қаратилган катта долзарб сиёсий қарорлар қабул қилиниши учун зарурдир. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳокимиятнинг фалажлиги деб ном олган бошқарувдаги тартибсизлик ва мўртликдан холи бўлиш зарур.

КПСС Марказий Комитетининг секретари қуйидагиларни таъкидлади: съездда икки масала, яъни президентликнинг жорий этилиши ҳамда Конституциянинг 6-7-моддаларини ўзгартириш тўғрисидаги масалалар бир вақтнинг ўзида муҳокама қилинаётганлиги тасодифий ҳол эмас. Башарти кучли ва ишга қодир президентлик ҳокимияти бунёд этилмаса, партиянинг ўзининг ҳозирги вазифаларидан воз кечиши бебошликка олиб келиши мумкин.

Нотиқ, партия юқоридаги парламент фаолияти билан чекланиши ва ҳатто ўзини ўзи тарқатиб юбориши лозим, деб ҳисоблаётган кишилар фикрига қўшилмаётганлигини айтиб қуйидагиларни таъкидлади: ҳокимиятни партиядан давлатга бериш — тактикавий йўл бўлмасдан, балки КПСС раҳбариятининг бош йўлидир. Партия интизоми партия раҳбари бўлган Президентнинг оёқ-қўлини чандиб ташлайди, деб хавотирланишга ҳам ҳожат бўлмаса керак деб уқтирди нотиқ. КПСС Марказий Комитети секретарининг шунга ишончи комилки, партия раҳбари ва давлат бошлиғи лавозимларининг қўшилиши мақсадга мувофиқгина бўлиб қолмасдан ҳозирги шароитда зарур ҳамдир.

Нотиқ ўз сўзининг охирида партияни танқид қилувчилар хулқ-атворидаги хусусиятга эътиборни қаратди: улар яқиндагина зўр бериб президентликни маъқуллашаётган эди. Бугун эса худди шундай зўр бериб, бу ғояни рад этмоқдалар. Унинг фикрича, бу ғалати жумбоқ КПСС мухолифлари қўлида амалий дастур йўқлигидан далолат бериб турибди.

Депутат **В. И. Гольданский** дарҳол ўз нутқининг йўналишини белгилаб олди: М. С. Горбачевни назарда тутиб, СССРда президентлик лавозимини таъсис этиш ҳақида гапирмоқчиман. Мен Михаил Сергеевични ҳозирги вақтда якка-ягона ҳақиқий номзод деб ҳисоблайман.

Президентлик тўғрисидаги Қонунни фавқулодда етилган қонун десак камлик қилади, эндиликда бу қонун долзарблиги жиҳатидан етилиб, бироз ўтиб ҳам кетди, бунга шак-шубҳа йўқ, деб уқтирди нотиқ. Президентни ялпи тенг ва бевосита сайлов ҳуқуқи асосида (бундан буён шундай қилиш таклиф этилмоқда) сайлаш яхшироқ бўлур эди, албатта. Лекин ҳозир бунинг учун фурсат йўқ. Чунки ҳозир гап оромгоҳда даволаниш ҳақида эмас, дард хуруж қилиб турган вақтда шошилинч ёрдам кўрсатиш ҳақида бораяпти, деди депутат.

Президентлик лавозимининг жорий этилишини, гўё, Горбачев мутлақ шахсий ҳокимиятга интилаётгани тақозо этган, деган фаразларни нотиқ бемаъни гап деб атади. Эски мезонларга қараб айтадиган бўлсак, бундан беш йил муқаддам, у партия Марказий Комитетининг Бош секретари бўлганида, шу ҳокимиятни олган эди. Шу йиллар мобайнида у бутун куч-ғайратини маъмурий бюрократик системани бузиб ташлашга сарфлади. Мазкур системада эса партиянинг «катталари» мамлакатнинг тўла қонли хўжайинлари эдилар; эндиликда эса М. С. Горбачев, янги лавозимга чиқиб, гўё ҳокимиятни ўз қўлига олмоқчи деб ўйлаш тутуруқсизликдир.

Депутат муҳокама қилинаётган Қонун лойиҳасига бир қанча тузатишлар киритишни таклиф этди.

Биз суверен республикалардан ташкил топган иттифоқ давлатида яшаётганимизни унутмаслик керак, деб эслатиб ўтди депутат **Э. Ю. Салаев.** Ижроия ҳокимияти соҳасида уларнинг ҳуқуқларига риоя этиш зарур кафолатлар билан таъминланиши керак. Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг президенти худди ана шу нуқтаи назардан Қонун лойиҳасига бир қанча мулоҳазалар ва қўшимчаларни таклиф этди.

Унинг фикрича, Қонун лойиҳаси Президентга қонун лойиҳаларини тақдим этиш соҳасидаги фаолиятида махсус ваколатлар беради. Депутатнинг фикрича, таклиф этилаётган дастур асоссиз тарзда совет парламентининг мавқеини туширади.

Ҳарбий ёки фавқулодда ҳолат эълон қилиниши билан боғлиқ бандни яна ҳам аниқроқ ифодалаш керак, деб уқтирди депутат.

Бокуда фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги масалани Озарбайжон ССР Олий Совети Президиуми кўриб чиқмаганлигига таяниб, нотиқ Қонун лойиҳасига, СССР Президенти тегишли иттифоқдош республика Олий Советининг розилиги билан фавқулодда ҳолат эълон қилади, деб аниқ-равшан ёзиб қўйишни талаб қилди. Янгиланган иттифоқ шартномаси зарур. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар вазифаларини янгитдан аниқ-равшан белгилаб қўйиш лозим, деди сўзининг охирида депутат. Ана шу таг-заминли масалалар ҳал этилгандан кейингина, биз СССР Президентига қайси вазифаларни ишониб топширишимиз, унинг фаолиятини, якка бошчилигини қай йўсинда чеклашимиз ҳақида жиддий гапириш мумкин.

Депутат **А. И. Казанник** СССР Президенти лавозимини таъсис этишни маъқуллаб гапирди. Лекин унинг фикрича, таклиф этилган Қонун лойиҳасини тубдан қайта ишлаш зарур. Аввало, ҳокимиятларни аниқ-равшан белгилаб қўйиш зарур. Мазкур депутат ибораси билан айтадиган бўлсак, давлатнинг бирор-бир органи иккинчиси устидан устун бўлмаслиги учун тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш системасини мустаҳкамлаш керак.

Шундан кейин Омск давлат университети кафедрасининг доценти муҳокама этилаётган Қонуннинг СССР Президенти ҳуқуқлари ва бурчларига тааллуқли бир қанча моддаларини таҳлил қилди. Унинг бир қанча таклифлари Президентнинг халқ олдидаги масъулиятини талқин этишга тааллуқли бўлди. У Қонуннинг шу қисмини талқин этишда чет эл тажрибасига кенгроқ суянишга даъват этди.

Ўз нутқининг охирида нотиқ бундай деди: Ю. Н. Афанасьев нутқидаги охирги жумла регионлараро гуруҳ аъзоларининг фикрини ифодаламайди. Шу гуруҳ мажлисларида Ленин мероси муҳокама қилинганлигини ва бу меросни қандайдир йўсинда талқин этишга уринганликларини мен эслай олмайман, деди у.

Кун охирлаб қолган эди, шунинг учун ҳам, съезд аҳли бундан буён қандай ишлаши керак, деган масала кўндаланг бўлди. Ҳар хил таклифлар айтилди. Раислик қилувчи, эълон қилинган нотиққа сўз берайлик, 13 март эрталаб эса бундан буёнги ишнинг тартибини белгилайлик, деб тавсия этганида бу ҳаммага маъқул бўлди.

Шундан кейин сўзга чиққан депутат **Е. И. Подолянина** вужудга келган вазият тартиб ўрнатиш, иқтисодиётдаги ишларни яхшилаш учун дарҳол туб қарорлар қабул қилинишини талаб этмоқда, деб таъкидлади. Бундай вазиятда худди Президент ҳокимияти жуда зарурдир.

Колхоз раиси ўзининг кўп йиллик тажрибасига таяниб, хўжалигимизда демократия бор, лекин интизом, масъулият, тартиб ҳам бор деб уқтирди.

Нотиқ, мен депутат, коллектив раҳбари, она сифатида миллатлараро нифоқ сабабли кишилар бошига тушаётган кулфатга ҳамдардман, деб уқтирди, у виждон даъватига қулоқ солиб, давлатда, кўпмиллатли оилада тартиб ўрнатишга чақирди. Агар оила иноқ-тотув бўлмаса, ҳамма озор чекади. Нифоқни истаётган кишилар бошига ҳам кулфат тушади.

Шу билан съезднинг биринчи иш куни якунланди.

**(ТАСС).**

## МАМЛАКАТДА ВА РЕСПУБЛИКАДА ТАРТИБ БЎЛАДИ, ДЕГАН УМИД БИЛАН

**Москва, 12 март. ЎзТАГ махсус мухбири А. БАРАНОВ хабар беради:**

Кремлнинг Съездлар саройида СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи съезди иш бошлади. Жуда қисқа кун тартиби тасдиқланди: Совет халқ ҳокимияти намояндалари давлат қурилишининг қайта қуриш, ҳозирги тараққиётнинг бутун бориши, яқин орадаги ва олис истиқболлар ўртага қўйган энг муҳим масалаларни ҳал этиш учун мамлакат пойтахтига йиғилдилар. Парламент аъзолари СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритишлари, давлатимиз тарихида биринчи марта чинакам демократик президентлик ҳокимиятини қонунлаштиришлари ва жорий қилишлари лозим.

Тақдирга дахлдор бўлган мана шу тарихий қарорларни кўриб чиқиш ва қабул этишда Ўзбекистондан СССР халқ депутатлари қилиб сайланган юздан ортиқ вакил ҳам қатнашмоқда. Эрталаб, биринчи мажлис бошланишидан аввал биз республикамиздан келган бир неча халқ вакилига мурожаат этиб, улар ҳозирги съездга қандай умид боғлаётганликлари хусусида битта савол бердик.

**Қува ғалла маҳсулотлари комбинатининг директори Раҳматулло Аҳмедов:**

— Мамлакатда президентлик ҳокимиятининг таъсис этилиши, ниҳоят, ҳозир ҳаммамизга зарур бўлган тартибни таъминлашга ёрдам беради, деб жуда ишонгим келади. Қаттиқ интизом, мустаҳкам тартиб, пишиқпухталик бўлмаса, бемалол яшаб бўлмайди, иқтисодиётнинг, ижтимоий тараққиётнинг долзарб муаммоларини тузукроқ ҳал этиб бўлмайди. Мен раҳбарлик қилаётган корхонанинг коллективида етти юз киши — 16 миллат вакиллари меҳнат қилмоқдалар. Фарғона водийсидаги воқеалар, шундан кейин республикада пайдо бўлган миллатлараро кескинлик, хайрият, бизнинг коллективимизда маънавий руҳий муҳитга таъсир қилмади — у аввалгидек, ягона, аҳил оила бўлиб меҳнат қилмоқда.

**Гулистон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси Гулчеҳра Бекпўлатова:**

— Биз — ўзбеклар, тожиклар, татарлар, руслар, украинлар, бошқа кўп миллатларнинг намояндалари ҳамиша бир оиланинг фарзандларидек яшаб, ишлаб келаяпмиз. Аммо кейинги вақтларда сафимиз сийраклашиб қолди — бизда ишлаб турган месхети турклари ишдан бўшаб кетишди. Ҳар қадамда ҳал этилмаган муаммолар. Аммо булар — ҳаммамизга тегишли муаммолар, уларни биз учун ҳеч ким ҳал этиб бермайди, ўзимиз ҳамдам ва ҳамжиҳат бўлиб, бутун кучни бирлаштириб уларни ҳал этишимиз мумкин. Шу мақсадга хизмат қиладиган ҳамма қарорлар ва қонунларни ёқлаб овоз бераман.

**Қашқадарё областидаги Куйбишев номли совхоз ишчиси, пахтакор Раъно Жонқувватова:**

— Бизнинг бақувват хўжалигимизда асосан ўзбеклар яшаб меҳнат қиладилар, шундай бўлгач, миллатлараро кескинлик ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ. Аммо бундан ҳамма муаммоларимиз ҳал этиб бўлинган, деган маъно чиқадими? Йўқ, бизнинг турмушимизда ҳам, ишимизда ҳам ҳали муаммолар кўп. Пахта учун қўшимча ҳақ жорий этиш, ер участкалари ажратиш масаласида эндигина яхши ишларга қўл урилди... Биз республикада одамлар ўртасидаги муносабатларни кескинлаштиришга, уларнинг осойишта яшаб ишлашига халақит беришга уринаётган кимсаларни қоралаймиз. Биз съездда қабул этадиган қарорлар ҳамма муаммоларни тезроқ ҳал этишга ёрдам беради, мамлакатнинг ҳамма жойларида фароғатли ва бахтли ҳаёт барпо этишга кўмаклашади, деб умид қиламиз.

## ЛИТВА ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

**ВИЛЬНЮС.** 12 март. (ТАСС мухбири К. Усцила). Бугун Литва Олий Советининг сессиясида СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачевга мурожаатнома қабул қилинди. Мурожаатномада мустақил Литва давлати тикланганлиги маълум қилиниб, СССР тикланган мустақил Литва Республикасини тан олади, деб умид билдирилган. Литва Республикасининг Олий Совети мазкур мурожаатномани Литва парламенти қарорлари билан боғлиқ масалаларни тартибга солиш юзасидан музокаралар бошлаш хусусида ССР Иттифоқига қилинган расмий таклиф деб ҳисоблашни сўради. СССР билан яхши сиёсий ва иқтисодий муносабатлар ўрнатишга интилиш истагини билдирди.

СССР ҳукуматига ҳам мурожаатнома қабул қилиниб, унда икки томонлама шартномалар асосидаги иқтисодий муносабатлар белгилангунига қадар мавжуд иқтисодий алоқалар ва ўзаро мажбуриятларга амал қилиб туриш таклиф этилди. Олий Совет Литва халқига, шунингдек Литва Республикаси миллий жамоаларига ҳам мурожаатнома қабул қилди.

Литва Олий Советининг бугун маъқулланган Қонун ҳужжатларида «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонуни, шунингдек Литва ССРнинг ҳарбий мажбурият тўғрисидаги Қонунни бузганлик учун жавобгарликни белгилаб берувчи Жиноят кодекси ва маъмурий кодекснинг тегишли моддалари Литвада ўз кучини йўқотганлиги таъкидланган.

Сессия иттифоққа бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мақоми тўғрисидаги масалани муҳокама қилишга киришди.

## Иқтисодий мустақиллик: унга эришиш йўллари

**● Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига қандай қилиб эришиш мумкин! Мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари халқ манфаатларига мувофиқ бўлиши учун нималар қилиш керак! Ўзбекистон ССР Госпланида 12 март куни бўлиб ўтган кенгашда мана шу мураккаб масалаларни ҳал этиш йўллари муҳокама қилинди. Кенгашда олимлар, мутахассислар, марказий иқтисодий идораларнинг ходимлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.**

Республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Госплани раиси Ш. Р. Мирсаидов йиғилган кишилар ҳузурида сўзга чиқиб, совет федерацияси доирасида Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига олиб борадиган асосий стратегик йўналишларни баён этиб берди.

Учта асосий шарт — мустақиллик, ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш шартларини бажармай туриб, миллий иқтисодий сиёсатни шакллантириб бўлмайди, суверенитетни таъминлаб бўлмайди. Бу соҳада реал ҳокимиятни халқ депутатлари Советлари қўлига беришдан тортиб, то ишлаб чиқариш ва социал ёрдамчи тармоқларни уйғун равишда ривожлантириш учун ўз даромад манбаларини тасарруф қилиш ҳуқуқигача кўпдан-кўп муаммолар ҳал этилиши лозим.

Кенгашда республика ва ССР Иттифоқи мулкчилиги соҳаларини бир-биридан фарқлаш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистоннинг миллий бойлиги — ер, ер ости республиканинг давлат мулки бўлиши кераклиги, уларни сотиш мумкин эмаслиги қайд этилди. Мана шундай шароитда Иттифоқ органларининг ҳуқуқ доираси табиий бойликлардан оқилона фойдаланишга оид асосий қоидаларни шартнома негизида республика билан биргаликда ва унинг манфаатларини эътиборга олиб ишлаб чиқиш билан чекланади. Кўпчилик корхоналар ва халқ хўжалик комплекслари республиканинг мулки бўлади. Бу эса унинг иқтисодий мустақиллигини таъминлайди.

Маҳаллий бозор учун ва ўз хом ашёси билан ишлайдиган кўп миқдордаги бирлашма, корхона ва ташкилотларни Иттифоқ қарамоғидан Ўзбекистон ССР ихтиёрига бериш тўғрисида ишлаб чиқилган қоидалар янги иқтисодий сиёсат принципларига тўла-тўкис мувофиқ эканлигини нотиқлар таъкидлаб ўтишди. Структурадаги ўзгаришларни эътиборга олганда, республика хўжалигининг улуши саноатда 80 фоизга, қурилишда эса 90 фоизга етади. Деҳқончилик саноати мажмуасининг, хизмат кўрсатиш соҳаси ва ижтимоий ёрдамчи тармоқларнинг корхоналари ҳамда хўжаликлари амалда тўла-тўкис республика ихтиёрига олиб берилади.

Иқтисодий мустақилликка эришиш соҳасида белгиланаётган тадбирларнинг бутун мажмуи бир қанча вазифаларни ҳал этишни кўзда тутади. Бу эса долзарб ижтимоий масалаларни ҳал этишга ва аввало, халқ фаровонлигини оширишга сарфланадиган маблағларни бир жойга жамлаш имконини беради. Ўзбекистон иқтисодиётини соғломлаштиришга табиий бойликлардан, фан-техника, ишлаб чиқариш ва демография имкониятларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига эришиш кўзда тутилмоқда. Ижтимоий ишлаб чиқариш структураси маҳаллий шароитларни ҳамда Иттифоқ ва жаҳон иқтисодиётидаги мавжуд тенденцияларни эътиборга олиб қайта қурилиши табиий.

Ўзбекистонни иқтисодий мустақилликка ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш дастурида янгиланган федерация таркибидаги бошқа республикалар билан сифат жиҳатдан янгича ҳамкорлик назарда тутилади.

Кенгашда республика етказиб бераётган маҳсулотнинг нархини ҳақиқий меҳнат сарфи ҳамда Иттифоқ ва жаҳон бозорида вужудга келаётган талаб асосида белгилаш муаммолари ҳам муҳокама қилинди.

Аҳолини иш билан таъминлашни ошириш ва унинг ижтимоий ҳимояланишини кучайтириш билан боғлиқ бўлган масалалар манфаатдорлик билан ўткир муҳокама қилинди. Экология вазиятини тезроқ соғломлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Кенгаш қатнашчилари айтган таклифлар ва хулосалар республиканинг иқтисодий мустақиллигига эришиш йўналишлари, шакллари ва усулларини аниқлаш соҳасида бундан буён қилинадиган ишларда ўз ифодасини топади. Бу масалалар янги чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг бўлғуси сессияси муҳокамасига қўйилади.

**(ЎзТАГ).**

